Yurt taraqqiyoti yo'lida birlashaylik!

# Ishonch

• O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri
• Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

## Кун нафаси



Президент Шавкат Мирзиёев 25 март куни ҳудудлар иқтисодиёти, муҳим ижтимоий-иқтисодий дастурлар ижроси билан танишиш мақсадида Наманган вилоятига ташриф буюрди.



Шу йил 20 март куни қабул қилинган «Тошкент шаҳрида «Янги авлод» махсус саноат зонасини ташкил этиш тўғрисида»ги Президент қарорига кўра, Янгиҳаёт туманида фаолият юритиш муддати 30 йилга мўлжалланган «Янги авлод» махсус саноат зонаси ташкил этилади.



Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева бошчилигидаги Ўзбекистон парламенти делегацияси Парламентлараро иттифоқнинг 148-Ассамблеясида иштирок этиш учун амалий ташриф билан Швейцариянинг Женева шаҳрида бўлиб турибди.

Ташриф доирасида Сенат Раиси Танзила Норбоева БМТ Бош котиби ўринбосари, БМТнинг Женевадаги бўлими бош директори Татьяна Валовая билан учрашди.



«Дунё» ахборот агентлигининг хабар беришича, Ўзбекистон элчиси Ашраф Хўжаев Қатар ташқи ишлар вазирлиги Халқаро ҳамкорлик бўйича давлат вазири Лулва Рошид ал-Хотир билан учрашув ўтказган. Мулоқот чоғида инсонпарварлик ёрдамларини кўрсатиш, аёлларнинг жамиятдаги ролини ошириш, таълим сифатини ошириш ҳамда маданий алоқаларни кенгайтириш масалалари муҳокама қилинган.

Тошкент вилояти

Бунёдкорлик



# «КЎҲИНУР» ЯНАДА КЎРКАМЛАШДИ







**Қуйи Чирчиқ туманидаги «Кўҳинур» санаторийсида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан бунёд этилган, 180 ўринли маданий-маърифий тадбирларга мўлжалланган фаоллар зали ва ёпиқ сув ҳавзаси фойдаланишга топширилди.**

Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раҳбарияти, Санатор-курортлар бошқармаси, Тошкент вилояти ва Қуйи Чирчиқ тумани ҳокимликларининг масъул ходимлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Маълумотларга кўра, ёпиқ сув ҳавзасининг қурилиши ҳамда керакли ускуналар билан таъминланиши учун Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ҳисобидан 13 миллиард 500 миллион сўм маблағ ажратилган. Айни пайтда ушбу масканда даволаш-ташхислаш хоналари ташкил этилиб, физиотерапия, даволаш-жисмоний тарбия, массаж, иссиқлик, сув билан даволаш муолажалари, фитотерапия, лазеротерапия, психотерапия ҳамда диетотерапия каби усулларидан кенг фойдаланилмоқда.

Анжуманда сўзга чиққанлар сиҳатгоҳнинг аввалги ҳолати, алоҳида қаратилган эътибор туфайли ҳозирда ажойиб гўшага айланганини фахр билан тилга олишди.

– Маскандаги шароитни кўриб, ҳайратга тушдим, – дейди «Нуроний» жамғармаси Тошкент вилояти бўлими раиси Абдусамад Носиров. – Жуда гўзал жой бўлибди.

– Сиҳатгоҳ 130 ўринга эга бўлиб, Тошкент вилоятидаги иқлимий курортлардан бири ҳисобланади, – дейди «Кўҳинур» санаторийси ходимаси Муҳайё Мирзаева. – Жойлашиш ҳудуди, табиатига кўра, кардиологик ва неврологик касалликларни даволаш учун ихтисослаштирилган. Бу ерда дам олувчилар учун ҳамма шароитлар яратилган. Бугунги бунёдкорликлар эса дам олувчилар ва ходимлар учун байрамона туҳфа бўлди.

– Бу ерга Тошкент шаҳридан соғлиғимни тиклаш ва дам олиш учун келганман, – дейди Нодира Баҳодирова. – Кўряпманки, кўнгилдагидек даволаниш ва ҳордиқ чиқариш учун ҳамма имкониятлар мавжуд. Теварак-атроф тинч ва сокин, ходимлар ширинсўз. Кўрсатилаётган хизматлардан мамнунман ва келгуси йилда, албатта, яна ушбу масканга келишни ният қилдим.

Тадбир Наврўз айёми тантаналарига уланиб кетди.

**Холида ЭГАМБЕРДИЕВА**
*«ISHONCH»*

*Қувончбек ТЎРАЕВ олган суратлар*

Сирдарё вилояти

# «ЯНГИЕР»ДА ЯНГИ ИНШООТ

**Янгиер шаҳридаги «Янгиер» сиҳатгоҳида бу галги Наврўз байрами ўзгача бўлди. Боиси айнан шу куни масканда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан бунёд этилган ёпиқ сузиш ҳавзаси фойдаланишга топширилди.**








– Мамлакатимизда инсон қадрини улуғлаш ва манфаатларини таъминлаш борасидаги кенг кўламли ислоҳотларни амалиётга татбиқ этишда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ҳам муносиб ҳисса қўшиб келмоқда, – деди тантанали очилиш маросимида сўзга чиққан Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси ўринбосари Сайфулла Аҳмедов. – Бугун фойдаланишга топширилаётган ёпиқ сузиш ҳавзаси ҳам ана шундай хайрли ишлардан биридир.

– Шаҳримизда саноат ривожланмоқда, кўплаб янги бино ва иншоотлар қурилиб, фойдаланишга топширилаётир, – деди Янгиер шаҳар ҳокими Отабек Носиров. – Буларнинг ҳаммаси инсон учун, одамлар манфаати учундир. Дам олиш масканида сузиш ҳавзасининг ишга туширилиши ҳам ана шу ғамхўрликнинг амалий кўринишидир.

Саломатлик маскани 226 ўринли бўлиб, унда 85 нафар ишчи-ходим, малакали мутахассислар, ўз касбининг фидойилари хизмат қилади. Гиёҳли ванналар, парафин, балчиқ, игнали муолажалар, уқалаш, тузли ғор, электр нур ванналари ёрдамида даволаш йўлга қўйилгани учун ҳам бу ерда дам олишни истаганлар сони тобора ортиб боряпти.

– Сузиш ҳавзасининг барпо этилиши аҳоли соғлиғини мустаҳкамлашда жуда муҳим омиллардан, – деди Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Сирдарё вилояти кенгаши раиси Рустамбек Турсунмуродов. – Шу маънода замонавий, сўнгги русумдаги асбоб-ускуналар билан жиҳозланган ҳавза аҳоли саломатлиги йўлидаги ҳақиқий ғамхўрлик бўлди.

Бўйи 13, эни 6,50 метр, чуқурлиги бир ярим метрдан зиёд, 110 м/куб сув сиғимига эга иншоот Равшан Маҳмудов раҳбарлигидаги «Project empire» МЧЖ қурувчилари томонидан 8 ойда қуриб битказилди. Иншоотни бунёд этишга Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан 7 миллиард 850 миллион сўм маблағ йўналтирилди.

– Ўзимизда шундай зўр дам олиш маскани бор экану, биз бошқа жойларни орзу қилиб юрар эканмиз, – дея кўпчилик дилидан ўтаётган фикрларни билдирди Юлдуз Исаева ва Ҳидоят Азизбоевалар. – Энди фақат шу ерда дам оламиз.

Ҳақиқатан ҳам осойишта, озода, кўркам, чор атрофдан беҳисоб арчалар ифори уфуриб турган маскан шу қадар файзлики, уни фақат бу ерда бўлган ва дам олган кишиларгина ҳис эта олади.

**Баҳор ХОЛБЕКОВА**
*«ISHONCH»*

**Рамазон илҳомлари**

**Маҳмуд ТОИР,**
*Ўзбекистон халқ шоири*

# Хуш кўришайлик

***Ўттиз кунлик рўза – Ҳақ ҳукми асли,***
***Ихлос-ла тутмоққа чин киришайлик.***
***Дуодан дур олар одамзот насли,***
***Ҳайит намозида хуш кўришайлик.***

***Сабр саодатин эгаси бўлиб,***
***Кўнгли синиқларнинг чегаси бўлиб,***
***Хайру саховатдан дарёдек тўлиб,***
***Ҳайит намозида хуш кўришайлик.***

***Нафсига қул бўлган бандадан йироқ,***
***Мўминни билмаган жандадан йироқ,***
***Иймон тутиб турсин оламга чироқ,***
***Ҳайит намозида хуш кўришайлик.***

***Жойнамоз жонимиз жамоли бўлсин,***
***Ибодат қалбимиз камоли бўлсин,***
***Унмаган уруғнинг уволи бўлсин,***
***Ҳайит намозида хуш кўришайлик.***

***Миллатимиз қадрин қалқони бўлиб,***
***Ўзбекнинг ўлмаган виждони бўлиб,***
***Меҳру оқибатнинг посбони бўлиб,***
***Ҳайит намозида хуш кўришайлик.***

***Агарда биз бўлсак фидойи Худо,***
***Ҳар дийдор аслида атои Худо,***
***Маҳмуд дер, қўл очинг – дуои Худо,***
***Ҳайит намозида хуш кўришайлик.***

*26.02.2024й*

www.ishonch.uz
ishonch1991@yandex.uz
https://www.facebook.com/ishonch.gazetasi
https://t.me/ishonchgz

*Наманган вилояти*



**Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмасининг Косонсой тумани кенгаши ташаббуси билан 44-ихтисослаштирилган мактаб-интернатида ўтказилган «Маънавият соати» жадид боболаримизнинг эзгу ғояларини тарғиб қилишга бағишланди.**

*Маънавият соати*

# ЖАДИДЛАР ҒОЯСИ – ҚАЛБИМИЗДА

Тадбирда «Тилда, фикрда, ишда бирлик!» ғоясига йўғрилган тадбирда инсоният эзгулик атрофида бирлашсагина кўзланган мақсадга эришиши тарғиб қилинди.

Маърузачилар Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг «...Сизларга васият қиламан, маориф йўлида ишлайдурғон муаллимларнинг бошини силангиз. Ўртадан нифоқни кўтарингиз. Туркистон болаларини илмсиз қўймангизлар...», деган ўгитларига тўхталиб, бу фикрлар ҳар бир давр учун долзарблигига урғу беришди.

Ўқитувчилар доимо эҳтиромга муносиблиги, уларнинг ҳурматини жойига қўйган миллат юксалишини жадид боболаримиз ўз ғояларига сингдирганини айтиб ўтилди. Давлатимиз томонидан таълимга, устозларга ва келажагимиз бўлмиш ёш авлоднинг тарбиясига алоҳида эътибор қаратилаётгани эътироф этилди.

**Алижон СИДДИҚОВ,**
*Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Косонсой тумани кенгаши раиси*



*Қашқадарё вилояти*

*Таълим*

# САМАРАДОРЛИК САРИ

**Бирор таълим муассасасига баҳо бериш лозим бўлса, аввало унинг юртга, жамиятга қанчалик наф келтираётгани, сифатли ва самарали илму-урфон тарқатаётгани асосий мезон вазифасини ўтайди.**

Бизнинг 2-касб-ҳунар мактабимиз Қарши туманининг Ҳилол қишлоғида жойлашган. Айтиш мумкинки, ушбу ҳududдан зиёли, элпарвар инсонлар кўплаб етишиб чиққани ёш авлод интилишларига ҳам ўзининг ижобий таъсирини кўрсатди. Битирувчилар орасидан олий ўқув юртига кирганлар бисёр. Ҳар бир педагог қўшимча сабоқлар бериш, турли тўгаракларда ўғил-қизларнинг билим ва кўникмаларини бойитишга ҳаракат қилиши одат тусига кирган.

Касб-ҳунар мактабимиз «Рақамли ахборотларни қайта ишлаш устаси», «Асаларичилик», «Тикувчилик», «Трактор машинисти», «Автомобиль двигателларини ташхислаш ва таъмирлаш», «Автомобиль электр ва электрон жиҳозларига хизмат кўрсатиш», «Электромонтёр» йўналишларига ихтисослашган.

Бу масканда аҳил ва фидойи педагоглар жамоаси шаклланган бўлиб, масалан, ҳамкасбим Файзулла Раҳимов «Асаларичилик» бўйича янги ўқув дастури ишлаб чиққан. Ушбу йўналишда ўқиган ёшларга асалари оилалари тақдим этилади ва улар олган сабоқларини амалда қўллаш имкониятига эга бўлишади.

Ўзим рус тили фанидан сабоқ бераман. Муассасамизда хорижий тилларни ўрганаётган, олдига улкан мақсадлар қўйган ёшларнинг кўплиги биз, педагоглар зиммасига қўшимча масъулият юклайди. Муассасамиз замонавий интерактив ўқув доскалари, касб-ҳунарга оид техникалар билан жиҳозланган. Компьютерларимиз янги. Мактаб интернет тармоғига уланган.

Ишлайдиган ёшлар бизда «Дуал таълим» йўналишида ўқийди. Бундан ташқари, маҳалладаги ишсиз хотин-қизлар касб-ҳунар ўрганиб, сертификат олишяпти. Шу боис тумандаги «Ҳилолтекс» корхонасида ишловчи аёллар ҳам анчагина.

Президентимизнинг таълим сифатини ошириш, ўғил-қизларнинг мактабларда ҳеч бўлмаса битта касб-ҳунарни пухта эгаллаши лозимлиги ҳақидаги даъватлари, айтиш мумкинки, педагогик жамоамизга ўзгача масъулият юклади. Туманда ўз ўрнига эга бўлган муассасамизни вилоят ва республика миқёсида ҳам юқори ўринларга олиб чиқишни мақсад қилганмиз.

**Сайёра САЙИМОВА,**
*Қарши туманидаги 2-касб-ҳунар мактаби ўқитувчиси*

*Андижон вилояти*

*«Аёллар дафтари»ни варақлаганда...*





# ҲАЁТБАХШ ҲАРАКАТЛАР НАТИЖАСИ

**Баъзида муштдеккина юракка турмуш ташвишлари зилдай оғир юк бўлиб тушишини ким билмайди дейсиз. Агар у аёл бўлса, бу юкнинг залвори яна икки ҳиссага ортади.**

Избоскан туманидаги «Қораянтоқ» маҳалласида яшовчи Турсуной Мухторова жўжабирдай жон – 3 фарзандни едириб-ичириб, тарбиялашнинг ўзи бўлмаслигини турмуш ўртоғи хасталаниб қолгандан кейин ҳис қилди. Мавсумий ишдан топган пули бир томонини қопласа, иккинчи томонига етмайди.

Ана шундай мушкул вазиятда туман ҳокимлигининг «Аёллар дафтари» бўйича ишчи гуруҳи унинг жонига оро кириб, далда бўлди. Турмуш шароити ўрганилиб, тез орада хонадонининг капитал таъмирлаш ишлари бошлаб юборилди. Оз эмас, кўп эмас, 100 нафардан ортиқ савобталаб қурувчилар бир ҳафтада 3 хонали томи ёпилмаган уйни битказишди. Ҳовлининг этагига 23 метрли бостирма қуриб берилди. Ташландиқ ҳолга келиб қолган иссиқхона қайтадан ёпилиб, лимон кўчатлар ўтқазилди.

Кондиционер, телевизор ва кир ювиш машинаси билан жиҳозланган хонадон эгаларининг қувончдан кўзларига ёш келди. Юракларидаги ғам-ғуссадан асар ҳам қолмади.

Моддий ёрдам сифатида берилган қорамол ва паррандалар ҳам оиланинг дастурхонини тўкин қилишига ҳам шубҳа йўқ.

Шу туманнинг «Урганжи» маҳалласидаги 65 ёшли Кароматхон момо Мамадалиева бир кунда ўғли, келинидан ажралиб, ёлғиз набираси Файзихон билан қолганида юрагини қанчалар ғам-ғусса босганини тасаввур қилиш қийин эмас. Лекин одам гулдан нозик, тошдан қаттиқ. Ана шундай вазиятда «Аёллар дафтари»нинг ишчи гуруҳи момонинг ташвишларини аритди. Хонадонидаги барча камчиликлар хатланиб, ҳеч қанча вақт ўтмай капитал-таъмирлаш ишлари бошлаб юборилди. Ҳадемай яхшиларнинг ҳиммати билан хонадонга файз кирди. Бир рўзғор учун керак бўладиган барча маиший техника воситалари олиб берилди.

– Яхши инсонлар мени ёлғизлатиб қўйишмади, – дейди 75 ёшли момо. – Давлатимиз раҳбаридан розиман, ташвишимни аритди. Уйим бинойидай таъмирланганини кўрган киши ҳавас қилади. Энди ўзим учун ҳам, набирам учун ҳам яшагим келяпти.

Рақамлар алдамайди. Вилоятдаги кўнгли ўксик аёлларга ёрдам тариқасида ўтган йилнинг ўзида боқувчиси бўлмаган уй-жойини таъмирлашга муҳтож эҳтиёжманд 285 нафар хотин-қизнинг уй-жойи таъмирлаб берилганидан ҳам бу эътибор ва ғамхўрликнинг исботини кўриш мумкин. Ушбу мақсадлар учун 1 миллиард 416 миллион сўм маблағ сарфланди.

**Анваржон ҲАЛИМОВ**
*«ISHONCH»*

*Фарғона вилояти*

**Умиджон Махсудов Фарғона вилояти Маданият ва туризм бошқармаси ҳудудларда туризм инфратузилмаси ва хизмат турларини кенгайтириш ҳамда тадбиркорликни ривожлантириш шўъбаси бошлиғи лавозимида ишлаб келаётган эди. Аммо бошлиқ билан ораларидан оламушук ўтдими, ишдан бўшатилди.**

*Касаба уюшмаси аралашгач...*

# ХОДИМ ЯНА ИШГА ҚАЙТДИ

Начора, Умиджон умид билан Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Фарғона вилояти кенгашига мурожаат қилиб, бузилган ҳуқуқларини тиклашда амалий кўмак сўрашга мажбур бўлди.

Аниқланишича, Умиджон Махсудов Фарғона вилояти Маданият бошқармаси бошлиғининг 2023 йил 3 октябрда чиқарган буйруғига асосан Меҳнат кодексининг 161-моддаси 2-қисми 2-бандига асосан ишдан бўшатилган.

Ўрганиш давомида иш берувчининг ушбу буйруғи ғайриқонуний экани, меҳнат шартномасининг бекор қилинишида меҳнат қонунчилиги талаблари бузилгани маълум бўлди.

Ушбу иш судда кўриб чиқилди ва Умиджон Махсудов суд қарорига асосан Фарғона вилояти Туризм бошқармаси Инвестицияларни жалб қилиш, тадбиркорлар билан ишлаш ва уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш шўъбаси бошлиғи лавозимига ишга тикланди. Фарғона вилояти туризм бошқармасидан унинг фойдасига мажбурий прогул даври ва маънавий зарар учун 16 миллион сўм ундирилди.

**Мансуржон УСМОНОВ,**
*Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Фарғона вилояти кенгашининг жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари билан ишлаш бўйича бош мутахассиси*

*Тошкент вилояти*

*Орамиздаги одамлар*

# САЙЁРАНИНГ МУКОФОТИ – ЖАМОАНИНГ ҚУВОНЧИ



**«Олмалиқ кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг Рух заводи ишчиси Сайёра Қўчқорова Халқаро хотин-қизлар куни арафасида давлатимизнинг юксак мукофоти – «Шуҳрат» медали билан мукофотланди.**

Сайёра Қўчқорова айни пайтда 39 ёшда бўлиб, 2005 йилда Олмалиқ кон касб-ҳунар коллежини кўприкли кран машинисти мутахассислиги бўйича тамомлаган. Ўқишни битиргач, «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» АЖнинг Рух заводига 3-даражали кран машинисти бўлиб ишга жойлашди.

Ушбу вазифани у деярли ўн йил давомида аъло даражада бажарди. 2014 йилда уни Рух заводининг вельцлаш цехи шихталовчилигига ўтказишди. Мана ўн йилдирки, Сайёра Қўчқорова бу вазифани ҳам аъло даражада уддалаб келмоқда.

*– Комбинатга ишга келганимда 21 ёшда эдим, – дейди Сайёра. – Машинистликка ўқиганим билан, амалда ишлаш бошқа экан. Ўшанда мен бунинг учун кучли, қатъиятли ва жуда эътиборли бўлишим кераклигини тушунганман. Кейин, вельцлаш цехига ўтказилдим. Бундаги вазифам рух оксидини хлор ва фтордан тозалаб, танлаб, сўнгра эритиш цехига тозаланган рух оксиди жўнатиш эди. Шунингдек, шихта тайёрлаш, бункерга юклаш, шихта беришни тенг тақсимлаш ва керак бўлганда, шихталарни намлаш, механизм ускуналарининг носозлигини ҳам бартараф этиш каби хизматлар бажарилади. Меҳнатимиз осонмас, энг биринчи навбатда эътибор ва зийраклик талаб қилинади.*

*Мен 19 йилдан буён шу соҳада ишлаётганим учун бу ташкилот худди ўз оиламдек бўлиб қолган. Тўғриси, мукофотлашларини кутмагандим. Оддий меҳнатимни шу даражада юксак баҳолашганидан бошим кўкка етди. Бу мукофот бир менга эмас, бутун жамоамиз меҳнаткашларига кўрсатган рағбат деб биламан.*



*– Рух заводида бугунги кунда 1096 нафар ишчи меҳнат қилади, уларнинг барчаси касаба уюшма аъзоси, – дейди касаба уюшма қўмитаси раиси Дилшод Юнусов. – Ишчиларнинг 236 нафари аёллар, 346 нафари ўттиз ёшгача бўлган ёшлардир. Шунингдек, 277 нафар ҳозирги кунда нафақада бўлган ишчилар ҳам бор, уларнинг 138 нафари турли даражадаги меҳнат фахрийлари. Байрам ва муҳим саналарда уларнинг ҳолидан хабар оламиз, дам олишлари ва даволанишлари учун шарт-шароит яратамиз.*

*Завод ишларида аёлларнинг эркаклар билан теппа-тенг матонат билан меҳнат қилишига тасанно айтса арзийди. Сайёрага келсак, у ўзининг меҳнатсеварлиги, шижоати, барча ҳамкасблари билан хушмуомала эканлиги учун жамоада алоҳида ҳурматга эга. Шунча йиллардан буён бирор марта интизомий жазо олмаган, ўз ишига ўта масъулиятли. Уни бу мукофотга лойиқ кўрилганидан биз жуда қувондик.*

*Заводдаги ҳар бир ишчи-ходим эътиборда. Чунки бизга аввало уларнинг саломатлиги муҳим. Шунинг учун уларнинг меҳнат хавфсизлиги қатъий таъминланиши, ўз вақтида иш ҳақини олиб, даволаниш ва дам олиш сиҳатгоҳларига юбориш ва албатта оила аъзоларини ҳам қўллаб-қувватлаш асосий мақсадимиздандир.*

Дарвоқе, яқинда Рух заводида жамоа шартномасининг 2023 йилда бажарилиши таҳлилига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Қувонарлиси, йиғилганлар томонидан шартномадаги ҳар бир банд қониқарли даражада бажарилгани айтиб ўтилди.

**Холида ЭГАМБЕРДИЕВА**
*«ISHONCH»*

*Навоий вилояти*

*Эҳтиром*

# ФАХРИЙЛАР ЭЪЗОЗДА



**«Навоий ИЭС» АЖ касаба уюшма қўмитаси «Фахрийлар – ҳамиша эъзозда» шиори остида корхонада меҳнат қилиб, ҳозирда кексалик гаштини сураётган бир гуруҳ фахрийлар ҳолидан хабар олди.**

Шунингдек, корхонада меҳнат қилаётган ишчи-ходимлар ҳамда ногиронлиги бор, эҳтиёжманд, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларникига борилиб, бирламчи озиқ-овқат маҳсулотлари берилди.

– Асосийси – эътибор, – дейди Сувни кимёвий тозалаш цехи фахрийси Ражаббой Холиқов. – Кўп йиллик меҳнатларимиз ва станциямиз ривожи учун қилган камтарона хизматларимизни инобатга олиб, бизни йўқлаб келишганидан жуда-жуда миннатдормиз.

– Станциямиз касаба уюшмаси томонидан бу каби тадбирларни келгусида ҳам кўпроқ ўтказиш, меҳр-саховат кўрсатиш ишларини мунтазам амалга ошириш режалаштирилмоқда, – дейди «Навоий иссиқлик электр станцияси» АЖ касаба уюшма қўмитаси раиси Олимжон Ғафforов.

**Зебо НАМОЗОВА**
*«ISHONCH»*






## Стратегия – 2030

# «ЯШИЛ ТАРАҚҚИЁТ» ТИМСОЛИДАГИ ТАМАДДУН

**ИНСОН ВА ТАБИАТ ЎРТАСИДАГИ МУВОЗАНАТ БУЗИЛИБ, УЙҒУНЛИККА ЖИДДИЙ ПУТУР ЕТМОҚДА. ДУНЁ БУНДАЙ НОМУТАНОСИБЛИК ҚАРШИСИДА КАЛОВЛАНИБ ҚОЛГАНИ ҲАМ БОР ГАП. ВАЗИЯТНИ ЎНГЛАШ КАТТА МУАММОГА АЙЛАНГАН БИР ШАРОИТДА, НАЖОТ «ЯШИЛ ТАРАҚҚИЁТ» ТИМСОЛИДА НАМОЁН БЎЛМОҚДА. ИНСОНИЯТ ОЛДИДА ТУРГАН ЭНГ КАТТА МУАММО, ЯҚИН ВА ЎРТА ИСТИҚБОЛДА РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИНИ БЕЛГИЛАШ, АНА ШУ ТАМОЙИЛ АСНОСИДА ТАМАДДУННИ ОҒРИҚЛИ «ЗАРБА»ЛАР ГИРДОБИДАН ХАЛОС ЭТИШДИР.**

Орол денгизида юзага келган ҳолат табиий ресурслардаги йўқотишнинг ўрнини тўлдириб бўлмаслигини кўрсатди. Қайсидир маънода, бу табиатга бўлган муносабатларимизни муқобиллаштиришга туртки берди. Мана етти йилдирки, «Яшил иқтисодиёт»да асосий ўрин эгаллайдиган омилларни белгилаш ва ривожлантириш пайида бўлинмоқда.

– Президентимиз ташаббуси билан иқтисодий тармоқларни ривожлантиришнинг ишонарли механизми ишлаб чиқилган. Бу саъй-ҳаракатларни 2017-2021 йиллар мобайнида мамлакатни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича «Ҳаракатлар стратегияси», 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг «Тараққиёт стратегияси» белгилаб бермоқда, – дейди Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Самарқанд вилояти бўйича масъул ташкилотчиси Ифтихор Раҳимов. – Бир сўз билан айтганда, Ҳаракатлар стратегиясидан Тараққиёт стратегияси сари илдамлай бошладик. Стратегик мақсадимиз эса бешта устувор йўналиш бўйича 100 та муҳим мақсадни ўз қамровига олган. 2030 йилгача яшил иқтисодиётга ўтиш, «яшил ўсиш» дастури асосида экологик тоза энергия ишлаб чиқариш ҳажмини 25 фоизга етказиш даркор.

Мамлакатимизда келгуси уч йилда 8 гигаваттли 28 та йирик қуёш ва шамол электр станцияларини ишга тушириш, 944 километр юқори кучланишли электр тармоқлари ва 6 та йирик подстанция қуриш, жами 2,2 гигаваттли 18 та электр сақлаш қувватларини ўрнатиш режалаштирилаётир. Ушбу жараёнда яшил шаҳар, яшил транспорт, яшил ўсиш, яшил ҳудуд, яшил кимё, яшил технология сари режали ишлар амалга оширилмоқда.

### «ЯШИЛ ЭНЕРГИЯ» – ЯНГИ ИМКОНИЯТ

Самарқанд диёримиздаги табиий ресурсларга бой ҳудуд. Шу боис ҳам вилоятда қайта тикланувчи энергия имкониятларидан оқилона фойдаланишга ҳаракат қилинмоқда. Каттақўрғон, Нуробод, Ургут, Самарқанд, Пастдарғом, Булунғур ва бошқа манзилларда электр энергияси ишлаб чиқаришнинг муқобил вариантлари ишга туширилмоқда. Қолаверса, бир қатор ижтимоий соҳа объектлари, аҳоли хонадонларида «қуёш батарея»ларидан фойдаланиш амалиётга жорий этилди.

Тан олиш керак, аҳоли орасида «қуёш панеллари»га шубҳали қарашлар йўқ эмасди. «Ўрнатамиз, бузилса ким соз лайди?» деган хавотирли саволларга кўп бора дуч келинган. Энди бундай шубҳа-гумонларга ҳам ўрин қолмади. Самарқанд шаҳрида иш бошлаган ихтисослашган «Яшил энергия» МЧЖ вилоят бўлинмасининг техник хизмат кўрсатиш сервис маркази барча муаммоларни ҳал этишга бел боғлаган.

– Корхонамиз кичик қувватли қайта тикланувчи энергия қурилмаларини ўрнатиб бериш билан биргаликда, унинг ишлаш жараёнларини ҳам ўз назорати остига олади, – дейди янги ташкил этилган компания раҳбари А.Муталибов. – Мутахассисларимиз «қуёш панел»ларида юзага келган муаммоларни бартараф этиш билан бирга, уларни чанг ва ғуборлардан тозалаш орқали фойдаланиш даражасини узайтириш борасида ҳам хизматлар кўрсатишади.

«Яшил энергия» МЧЖ ҳудуддаги қурилмалар умрини узайтириш, муаммоларни бартараф этишга бел боғлаган.

### ТАБИАТГА МУНОСАБАТ ЎЗГАРЯПТИ

«Яшил иқтисодиёт» ривожи туризм ва хизмат кўрсатиш соҳаларининг инвестицион жозибадорлигига ҳам боғлиқ. Яшил ўсиш доирасида табиат манзараларини асраш ва бойитиш муҳим аҳамият касб этади. Шу маънода Самарқанд туманидаги «Оҳалик-Оқбўйра-Миронқул» туристик зонасини ташкил этишга киришилгани катта воқеликдир.

Баланд қир-адирликлар, мусаффо табиат қўйнидаги 4656 гектар майдонда эко-экстримал туризм муассасалари жойлаштирилиши кўзда тутилмоқда. Айни чоғда 73 миллион долларлик қийматга эга 130 та бирламчи лойиҳа шакллантирилди. Унинг таркибида 110 минг сайёҳни қабул қилиш қувватига эга модулли дам олиш масканлари, кемпинг ва меҳмонхоналар, эко-уй ва боғроғлар, сузиш ҳавзалари, узунлиги 6 километр ва 3 та тўхташ қўналғасидан иборат осма дор (канат) йўли қурилишига тамал тошлари қўйилмоқда.

– Чирой очаётган янги туристик масканда касаба уюшмалари тасарруфидаги болалар оромгоҳлари ҳам жойлашган, – дейди «Касаба Самарқанд» туризм фирмаси раҳбари Аббос Ҳазратқулов. – Бу маскан Самарқанддаги энг гавжум гўша бўлишига ҳеч шубҳа йўқ.

Баҳор келиши билан туристик зонада қайноқ ишлар бошланиб кетди.

### ЗАРАФШОН МИЛЛИЙ БОҒИ ҚАЧОН ГАВЖУМ БЎЛАДИ?

Яшиллик сари талпиниш кучайди. Бугун табиат, ҳар бир буток қадрини англай бошладик. Айниқса, «Яшил макон» лойиҳаси доирасида кўчат ўтқазиш, уни дарахтга айлантириш машаққатини чуқурроқ ҳис қиляпмиз. Аммо борларини асраш, яшартириш, гавжумлаштиришдаги аҳвол қандай?

Икки ярим минг гектар майдонни эгаллаган Зарафшон миллий табиат боғида эса кунда бир тасодиф кузатилади. Боғ ҳудудидаги тўқайга бир йилда икки ва ундан кўпроқ ўт қўйишлару, ҳудудни ўзбошимчалик билан эгаллаб олаётганлар қачон жиловланади? Боғ билан боғлиқ шунга ўхшаш саволлар кўп.

«Қизил китоб»га кирган 125 бош Бухоро хонгули буғулари, 26 турдаги ноёб қушлар, товус, оққуш, цесарка (қайсар қуш), Америка ламаси-ю, маймун каби жониворларга маскан бўлган боғ негадир одамлар назаридан четда. Наҳотки, шундоқ дарё соҳилидаги боғда дов-дарахтлар сувсизликдан азият чекса? Дарёдан қум ва шағал «ташиш», атрофдаги аҳолининг ўтин-чўпга «қизиқиши» боғни қуритмоқда.

– Соҳага салкам ўттиз йиллик меҳнатим сингган. Боғ атрофида яшовчи фуқаролар томонидан ҳудудга зарар етказиш ҳолатларини жиловлаб бўлмаяпти. Кенг майдонни қўриқлаш осонмас. Шу боис 47 гектарлик ҳудудни тўсиқлар билан ўраш лозим, – дейди Олимхон Мирзаев. – Акс ҳолда, миллий боғдан барака кўтарилаверади.

Шу чоққача ўрмон хўжалиги тасарруфида бўлган Зарафшон миллий табиат боғи 2022 йилда Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги тасарруфига ўтказилди. Шундан сўнг, ҳудудда ноқонуний фаолият олиб борган 72 нафар «тадбиркор»лар қилмишига суд орқали чек қўйилди. Боғ ерларида ижара асосида деҳқончилик қилаётган шахслар билан ҳам шартномалар бекор қилинмоқда. Айни чоғда йўллар тартибга келтирилмоқда.

Айтишларича, ўтган йилда миллий боғга етти мингга яқин маҳаллий, 150 нафаргина хорижлик сайёҳ ташриф буюрган. Бу жуда кам, бу имкониятларнинг ўндан бири, холос. Ҳудуд инфратузилмасини тубдан такомиллаштириш, боғ имкониятларидан оқилона фойдаланиш, одамлар оқимини кучайтириш зарур. Аммо, ҳозирча...

«Яшил тараққиёт» бу келажакни бекаму-кўст таъминловчи асосий восита эканлиги тобора ойдинлашаётир. Шундай экан, бу масалага шунчаки ёндашмайлик.

**Нурилла ШАМСИЕВ**
*«ISHONCH»*



*Ажабо*

# Овоз керак, овоз...

Шу кунларда кўчаларда писта ёғи кўтариб олиб, овоз беришга чорлаётганлар кўпайиб кетди-я.

Қаёққа қараманг, қути-қути ёғ ва бир хил хитоб: «Битта овозга битта ёғ!».

Кўчадаги ана шундай ғала-ғовурдан чарчаб, уйга келсам, олий таълим масканида ўқийдиган ўғлим хонасида бошини чангаллаб ўтирибди. Уни ҳеч ҳам бундай ҳолатда кўрмаганим учун хавотир билан сўрадим:

– Яхшимисан, соғлиғинг жойидами?

– Яхши... Менга учта овоз керак...

– Нима? Қанақа овоз?

– Деканимиз қўнғироқ қилиб, ҳар бир гуруҳ сардорига учтадан «овоз» юкланганини, мен ҳам ҳаракатимни қилишимни айтди. Гуруҳ сардориман-ку...

– Ахир ҳамма овоз бериб пулини, ёғини олиб бўлди-ку. Қаердан топасан учта овозни?

– Шунга ўйланяпман-да. Овоз топмасам, баҳойимни ололмай қийналишим мумкин. Мен ҳали овоз бермагандим. Унга ўша зормандани тортиқ қилдиму, ўйланиб қолдим. Бу қанақаси? Айни ўқиши, изланиши керак бўлган талаба ҳам ўша «опен бюджет»га овоз тополмай сарсон бўлиши қолгандими энди? Борган сари баттар бўлиб кетяпти-ку...

Шу аснода хаёлимни телефон қўнғироқ овози бузди. Ўғлим гўшакни кўтариб гаплашди, ҳисобот берди, нариги томондаги овоз аниқ-тиниқ эшитилди: «Овозни тезроқ топинг, масъулиятли бўлинг, ука. Душанбагача яна иккита овоз топишингиз шарт!»...

**Нигора РАҲИМЖОНОВА**

*Таассурот*



## «ЎЛСАМ, АЙРИЛМАСМАН ҚУЧОҚЛАРИНГДАН...»

**Юрт қадрини дунё кезиб биларкансан, киши. Бутун дунёга донғи кетган афсонавий Дубай амирлигига қилган сафарим чоғида бунга яна бир карра ишонч ҳосил қилдим. Таассуротларим билан ўртоқлашмоқ, ўз она диёрим Ўзбекистонни ўзга манзиллар билан қиёсламоқ ниятида қўлга қалам олдим.**

* * *

Дубай амирлиги... Ўн минглаб сайёҳларни бағрига олган бу ўлкада инсон заковатининг оламшумул мўъжизаларига дуч келдим:

*дунёдаги яшаш учун энг хавфсиз шаҳарлар ичида етакчи;*

*кейинги эллик йилда оддий порт шаҳардан келажак шаҳри деган нуфузга кўтарилган, фавқулодда тез ривожланаётган шаҳар;*

*саҳро ҳудудида бўлишига қарамай, тоза ичимлик сув махсус идишларда текин тарқатиладиган ягона шаҳар;*

*Wi-Fi тизимига тўлиқ уланган мўъжизакор шаҳар;*

*дунёдаги энг баланд Бурж Халифа минора-иншоотларини бунёд этиб, унинг нуфузини тутиб турган замин;*

*тарих билан бугунни боғлаб турган машҳур «Этиҳад» музейи;*

*бутунича шишадан яратилган ғаройиб кўприк;*

*машҳур мўъжизакор мусиқий фаввоpалар;*

*ҳар қандай кишининг баҳри-дилини очадиган ажойиб кент...*

Шу ва мен таърифини тўлиқ айтиб беролмаганим кўплаб ғаройиб сифатлар айнан Дубайга хосдир!

Шу диёрдаги сафар чоғида кўнглимдан кўп ўтган нарса, кўп бор қўмсаганим нима бўлди, биласизми?..

Қибрай ҳавоси, Бўзсувнинг шарқироқ тўлқинли мавжлари хаёлимдан кетмади. Қарийб ўн кунлик саёҳат давомида она юртимни соғинавердим.

«Адам» ва «Ева» деб номланган иккита бинонинг бирлашувидан ташкил топган «АТАНА» номли эгизак меҳмонхонада яшадим. Меҳмонхона соҳиби қозоқ миллатига мансуб бўлиб, у дунёнинг қаеридан қозоқ киши борса, 50 фоиз чегирма билан қабул қилишни йўлга қўйган экан...

Ўзимизнинг палов, бешбармоқ, хасип, норин каби таомларнинг изи ҳам йўқ бўлган ресторанларда денгиз жониворлари-ю, балиқлар ва яна қандайдир таомлар билан нафсимни қондирдим. Ҳатто ўзбек ошпазининг ошхонасидан келиб турадиган ҳид ҳам йўқ эди бу жойларда. Ўзбекона таомлар таъми барибир бошқача-да! Аммо ҳар кимга ўз юрти азиз деганларидек, у ерлик арабларга ҳам Дубайдан гўзал жой, манзил-макон йўқ...

* * *

Инсон бу дунёда одамлар оғирини енгил қилиш, нима учун дунёга келганини англаш, ўзидан яхши ном қолдириш учун яшайди.

Инсоният XXI асрга келиб техникани ўз идрокига бўйсундирди. Тафаккур кучи билан шу қадар катта ютуқларга эришдики, бу сўзларнинг исботи учун Дубай саёҳати жуда асқатади.

Аммо инсон робот эмас, ҳис билан, туйғу билан, қалб ҳарорати билан тирик. Шу туфайли ҳам инсонни ўраб турган борлиқ унинг учун табаррук, унинг соғинадиган кишилари, жойлари бор.

Мен сафар чоғида ватанимизнинг нақадар азизлигини яна бир бор теран англаб етдим. Чўлнинг ери шўр, намлик жуда юқори, нафас олиш амримаҳол бўлган Дубай эса ўша ерлик араб биродарларимиз учун жуда азиз ва табаррук.

* * *

Ислом Каримов номидаги халқаро аэропортда бизни қуёш кутиб олди. Бу она Ўзбекистон қуёши. Унинг тафти, илиқ нурлари шу юртнинг одамлари қалбидан қўним топган меҳрга ўхшайди. Тошкент ҳавоси гуп этиб димоғимга уриларкан, дийдаларимга беихтиёр ёш келди. Тавба, дейман, ойлаб, йиллаб юртдан олисда яшайдиганлар нима қиларкин?..

Йўқ, мен у қадар узоқ вақт юртимдан олисга кетолмайман. Аэропорт текширувларидан ўтарканман, қорамағизгина ўзбек зобитининг «Хуш келибсиз!» деган сўзлари ниҳоятда қадрдон туюлиб кетди. Олислардан, қалбимнинг туб-тубидан бир қўшиқнинг садолари келди:

*Ўлсам, айрилмасман қучоқларингдан...*

Ҳа, шу қўшиқ – менинг қўшиғим, менинг ўланим. Кўп миллатли халқимизнинг юрагидан тошган қўшиқ бу. Она Ўзбекистонга бўлган меҳрнинг ифодаси бу!

Юртимизга кўз тегмасин! Жаҳонда мамлакатлар кўп, халқлар кўп, аммо Ўзбекистон битта, қиёси йўқ!

**Гулшода ҚУРБОНОВА**

---

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Самарқанд вилояти кенгаши ҳамда барча тармоқ касаба уюшма кенгашларининг жамоаси касаба уюшмалари тизимида меҳнат қилган

**Мажидхон УСМОНОВ**

вафот этгани муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

---

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ва таълим маскани касаба уюшма қўмитаси олий таълим муассасаси 2-бўлим бошлиғи Расулжон Фозиловга отаси

**Сиддиқ ота ФОЗИЛОВ**

вафот этгани муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

*Kecha aqlli edim, dunyoni o‘zgartirmoqchi bo‘ldim.
Bugun donoman, o‘zimni o‘zgartiryapman.*
**Jaloliddin Rumiy**

2024-YIL 26-MART,
SESHANBA
№ 39 (4947)

*Оғриқ тишлар...*

# ОРДЕР ОЛИШ МУАММОЛАРИ ҚАЧОН БАРТАРАФ ЭТИЛАДИ?



**Бир ҳафта аввал ўғлим ишхонасидан қўнғироқ қилиб қолди:**

– Она, бир синфдошим опасининг қандли диабет хасталигидан қийналаётгани, оладиган маоши ҳатто дори-дармонга етмаётганини айтиб қолди. Илтимос, ёрдам берайлик!

Мен беморнинг онаси билан боғландим:

– Қизим 16 йилдан буён шу касалликдан азият чекиб келади, – деди онаизор. – Оилада 9 жонмиз, 2 киши ишлайди, маош дори-дармонга зўрға етади. Шароитимиз оғир. Тиббиёт муассасасидан фақат инсулинни текинга беришади. Энг катта муаммо – ордер олиш. Ордер олиш учун 2-3 ойлаб кутишга тўғри келади. Биз эса кунора тез тиббий ёрдамни чақиришга мажбурмиз. Чунки қондаги қанд миқдори гоҳ ошиб, гоҳида тушиб кетади. Шифокорларнинг айтишича, қизим ҳар 3 ойда даволаниши шарт. Жилла қурса, ҳар 6 ойда ордер беришганида қизим бунчалик қийналмасмиди?

Ҳа, Олмазор туманида яшовчи I гуруҳ ногирони, 28 ёшли Дилфуза Юлдашева қандли диабет касаллигидан ташқари, ёндош касалликлар – анемия, бўқоқ ва буйрак етишмовчилигидан азият чекиб келмоқда.

Ота-ота учун фарзанднинг носоғлом туғилиши ёки унинг тузалмас хасталикка чалиниши жуда оғир ҳолат.

Бугунги кунда мамлакатимизда тиббиёт тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар, энг аввало, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, тиббий хизмат кўрсатиш сифатини янада яхшилашга қаратилган.

Масалан, айни пайтда имтиёзли тоифага кирувчи шахсларни даволанишга йўллашда беморларга, уларнинг касаллигига мувофиқ ихтисослаштирилган муассасаларда даволанишларини таъминлайдиган, тиббий хизматнинг қиймати кўрсатилган ҳамда матрицали штрих код (QR-код)га эга бўлган йўлланма берилади. У ахборот тизимида автоматик тарзда шакллантирилади ва давлат ёки нодавлат тиббиёт ташкилотларида тиббий хизматлар олиш ҳуқуқини беради.

Бу қулайликларнинг ҳаммаси яхши. Аммо...

Савол туғилади: нега ордерга Вазирлар Маҳкамасининг 826-сонли қарорида белгиланган квота миқдорида етарли маблағ ажратилмаяпти?

Нега ордер тизимида рақамлаштириш йўлга қўйилганига қарамай, бюджет ҳисобидан даволанадиган имтиёзли тоифага кирувчи беморларни йўллашда чекловлар кузатиляпти ва даволанишда навбатлар ҳосил бўлмоқда?

Нега айнан юқорида тилга олинган I гуруҳ ногирони Дилфуза Юлдашеванинг 2 ойдан бери энди етишган ва Яккасарой туманида жойлашган Эндокринология шифохонасига даволаниш учун берилган ордерига кўра, рўйхатда 52-навбатга қўйилган?

Бундан ташқари, шифокор-мутахассислар беморларнинг даволаниш муассасасига онлайн юборадиган маълумотлари муассаса ташхисига мос келмаслиги ёки хато ёзган маълумотлари такрорий юборилиши сабабли ҳам беморлар 2-3 ойлаб ордер чиқишини кутиши каби муаммолар юзага келмоқда.

Ўз-ўзидан савол туғилади: Президентимиз томонидан имзоланган «Соғлиқни сақлаш соҳасида ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга кўра, аҳолига юқори малакали ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишда ошкоралик, адолатлилик ва шаффофлик тамойиллари асосида замонавий талабларга жавоб берадиган самарали хизмат кўрсатиш тизимини шакллантириш, ордер бериш механизмини такомиллаштириш ва тўлиқ рақамлаштириш бўйича белгиланган қатор муҳим вазифалар қачон тўлиқ амалга ошади?

**Марям АҲМЕДОВА**

*Туризм*

# ЖИЗЗАХ САЙЁҲЛАРНИ ЖАЛБ ЭТАЁТИР



**Мамлакатимиз марказий қисмида, республикамиз шаҳарлари ва қўшни давлатларни боғловчи автомобиль ҳамда темирйўл бўйида жойлашган Жиззах вилоятининг ажабтовур табиати сайёҳларни ўзига жалб этяпти. Вилоятда сайёҳларни қизиқтирадиган тарихий-археологик манзиллар кўп. 372 та маданий мерос объекти давлат муҳофазасига олинган. Шундан 42 таси тарихий обида ва зиёратгоҳ, 267 таси археологик ёдгорлик, 63 таси монументал ёдгорликлардир.**

Қолаверса, «Нурота» ва «Зомин» давлат қўриқхоналари, «Зомин» халқ боғи, Айдар-Арнасой кўллар тизими ва Қизилқум чўли ҳам экотуризм ишқибозлари учун қизиқарли манзиллар ҳисобланади.

Вилоятда 2023 йили мавжуд 30 та меҳмонхона, 20 та кемпинг, 168 та оилавий меҳмон уйи, 20 та хостел ва 11 та оромгоҳ 1 миллион 176 минг нафар маҳаллий ва 145 минг нафар хорижий сайёҳга хизмат кўрсатди. Сўнгги икки йилда сайёҳларни қабул қиладиган қўноқ жойлари 1,5 баробарга ва ўринлар сони 1,3 баробарга ошди. Бугина эмас, бултур 12 та туркомпания фаолияти йўлга қўйилиб, 30 га яқин янги сайёҳлик маршрутлар ишлаб чиқилди.

Зомин, Бахмал, Ғаллаорол, Мирзачўл, Фориш, Янгиобод, Шароф Рашидов туманлари ва Жиззах шаҳрининг этнографияси ва аҳолининг ўзига хос урф-одат ва анъаналари ҳам ҳудуд сайёҳлик жозибадорлигини оширяпти.

Тоғли Зомин, Бахмал, Фориш ва Янгиобод туманларидаги туризм ва зиёрат туризми, Шароф Рашидов, Ғаллаорол, қисман Дўстлик ва Пахтакор туманларидаги гастрономик, Айдар-Арнасой кўллар тизими атрофидаги Арнасой, Фориш туманлари ўзининг алоҳида ўрнига эга. Жиззах шаҳрида эко, гастрономик ҳамда зиёрат туризмини ривожлантириш учун катта имкониятлар мавжуд.

«Республиканинг туризм салоҳиятини жадал ривожлантириш ҳамда маҳаллий ва хорижий туристлар сонини янада оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарор ижроси доирасида вилоятда туризм хизматлари, инфратузилма яхшиланиб, сайёҳлар оқими кўпаймоқда.

Ўтган йили умумий қиймати 1 триллион 172 миллиард сўмлик 52 та лойиҳа амалга оширилди. Жумладан, 4 та меҳмонхона, 12 та туризм-дам олиш ва хизмат кўрсатиш маскани, 2 та туристик даволаш-соғломлаштириш мажмуаси, 2 та хостел, 2 та оилавий меҳмон уйи, 1 та ижара ётоқхона, 7 та умумий овқатланиш ва 1 та мотель фаолияти йўлга қўйилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 26 октябрдаги «Республикада маҳаллий авиақатновларни ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ аҳоли ва хорижий сайёҳларнинг талаб ҳамда эҳтиёжларидан келиб чиқиб, Зомин туманида «Зомин» аэродроми ва 30 ўринга мўлжалланган йўловчи терминали қуриб, ишга туширилди. Яна бир қулайлик шуки, аэропорт авиакассаси орқали нафақат ички рейслар, бошқа давлатларга ҳам авиабилетлар харид қилиш имконияти яратилди.

«Зомин» туристик-рекреацион зонаси ҳудудида 3 та замон талабларига мос меҳмонхона ҳамда мижозларга қўшимча қулайликлар яратиш мақсадида дор йўлининг пастки станция ҳудудида йиғма металл конструкциялардан фойдаланган ҳолда 400 ўринли, 5 қаватдан иборат автотураргоҳ қурилиб, хизмат кўрсата бошлади. Ушбу ҳудуднинг 2 гектар ер майдонида туристларнинг дам олишлари учун барча зарур шарт-шароитларга эга «Соғломлаштириш маркази» фойдаланишга топширилди.

4 та туристик синфга мансуб автобуслар ва 30 та микроавтобус, 8 та туризм ахборот маркази ва 172 та санитария-гигиена шохобчалари ҳам сайёҳларга жуда манзур бўлмоқда.

Туристик объектларга олиб борувчи йўлларга 32 та йўл кўрсаткич белгилари ўрнатилди ва 170 та туризм объектларида Wi-Fi зонаси ташкил этилди.

Жиззах шаҳрининг С.Ҳамроқулов кўчасида кафе, «Fast-food», супермаркет, автотураргоҳ, пиёдалар ва велосипед йўлакчалари, бепул «Wi-Fi» зонаси, туристлар учун ахборот маркази ташкил этилиб, имконияти чекланган сайёҳлар учун тўсиқсиз туризм ҳолатлари инобатга олиниб, узунлиги 600 метрдан иборат туризм кўчасининг бунёд этилишини эса ўзига хос янгилик дейиш мумкин.

Шунингдек, вилоятда туризм қишлоқлари сони кўпаймоқда. Ўтган йили Зомин туманидаги Дуоба қишлоғига шундай мақом берилди. Жорий йилда Фориш туманидаги Ухум ҳамда Бахмал туманидаги Ўрмончи қишлоқларига ҳам «Туризм маҳалласи» мақомини бериш учун амалий ишлар олиб борилаётир.

Бироқ вилоятнинг туристик имкониятларидан тўлиқ фойдаланилаётир, дейишга ҳали эрта. Бунга туристик манзилларнинг бир-биридан узоқлиги, йўлларнинг талаб даражасида эмаслиги, телефон, интернет, электр каби коммуникация тизимлари ҳамда транспорт қатнови, тарғибот-ташвиқот ишлари билан боғлиқ муаммолар, малакали мутахассисларнинг етишмаслиги сабаб бўлмоқда.

– Айни пайтда вилоятда амалга оширилаётган ишларда тўсиқсиз туризм учун барча зарур шарт-шароитларни яратишга асосий эътибор қаратилмоқда, – дейди вилоят туризм бошқармаси бошлиғи Азизбек Эгамбердиев. – Жорий йилда туризм соҳасида умумий қиймати 528 миллиард сўмлик 30 та лойиҳа ишга туширилиши режалаштирилган. Улар янги меҳмонхона, туризм дам олиш ва хизмат кўрсатиш маскани, 2 та туристик даволаш-соғломлаштириш мажмуаси, хостеллар, оилавий меҳмон уйлари каби иншоотлардан иборат. Шунингдек, айнан туризм манзиллари ҳудудидаги 104,4 километр узунликдаги йўлларни таъмирлаш, 18 километр масофадаги электр энергияси тармоғини яхшилаш ва 3 дона янги трансформатор ўрнатиш ҳамда 13 километр узунликдаги янги алоқа тармоқларини тортиш, 10 дона алоқа устуни ўрнатиш режалаштирилган.

Вилоят туризм бошқармаси маълумотларида кўрсатилишича, 2024 йилда яна 3 та меҳмонхона, 10 та хостел ва 22 та оилавий меҳмон уйлари ташкил этилади ҳамда уларнинг умумий сони 300 тага, ўринлар сони 8 мингтага, 8 та туристик автобус ва 15 та микроавтобуслар олиб келиниб, уларнинг умумий сони 40 тага, туроператор сони 35 тага, 5 та гид-экскурсоводларни сертификатлаш орқали уларнинг сони 25 нафарга етказилади.

Туристик инфратизимни ривожлантиришдан кўзланган мақсад сайёҳлар оқимини ошириш, албатта. Жорий йилда маҳаллий туристлар 1 миллион 800 мингга, хорижий туристлар сони 350 мингга, туризм хизматлари экспорти 50 миллион долларга етказилиши кутиляпти.







Ушбу режаларни амалга ошириш учун вилоят ҳудудларидаги имкониятлардан келиб чиқиб, амалий ишларга киришилмоқда. Жумладан, М-39 халқаро автомобиль йўлининг Пахтакор, Шароф Рашидов ва Ғаллаорол туманларидан ўтувчи қисмида меҳмонхона, сиҳатгоҳ, дам олиш маскани ва бошқа йўл бўйи хизмат кўрсатиш масканлари қуриш учун ер майдонлари аукцион савдоларига қўйилди. Мазкур лойиҳалар тўлиқ амалга оширилиши ҳисобига 500 та янги иш ўрни яратилади.

Зомин, Фориш, Бахмал, Ш.Рашидов ва Ғаллаорол туманларида эко туризмни ривожлантириш учун 5 та хостел ва 10 та оилавий меҳмон уйи ташкил этишга киришиляпти.

Фориш туманидаги Ухум қишлоғи, Бахмал туманидаги Ўрмончи ва Жўм-жўм сой қишлоқлари этно қишлоқларга айлантирилаётир.

Вилоятда сайёҳликнинг экотуризм, агротуризм, этнографик туризм, овчилик-балиқчилик, спорт-соғломлаштириш туризми ва гастрономик туризм каби йуналишларини ривожлантириш узоқ қишлоқлар аҳолисини иш билан таъминлашга ҳам муҳим ҳисса қўшмоқда. Қолаверса, сайёҳларга сервис хизмати кўрсатиш орқали қўшимча даромад топиш имконияти юзага келади.

**Муқимбой ИСМОИЛОВ**
*«ISHONCH»*

*Фарғона вилояти*

*Санъат*

# КАРИКАТУРА – ТИНЧЛИК УЧУН

**Бирон-бир иши, кашфиёти, асарлари билан дунё аҳлини лол қолдириш осон эмас. Шундай инсонлар борки, улар ўз асари, ижоди билан дунёга машҳур.**

Ўзбек рассом-карикатурачиси Маҳмуджон Эшонқулов ижодига мансуб карикатураларни томоша қиларкансиз, юзингизга беихтиёр табассум югуради.

Бешариқ туманининг Телов қишлоғида яшаб, ижод қилиб келаётган Маҳмуджон Эшонқулов ўз асарлари билан дунёни забт этмоқда. Жаҳон бўйича «Карикатуранинг 100 буюк устаси» рўйхатига кирган ҳамюртимизнинг асарлари Италия, Туркия, Япония, Хитой, Болгария, Бразилия, Руминия, Сербия, Жанубий Корея, Польша каби давлатларнинг Юмор ва Карикатура музейлари ҳамда архивларида сақланади.

– Ҳеч бир мукофотга осонликча эришиб бўлмайди. Изланиш, меҳнат қилиш керак. Шундагина муваффақиятга эришиш мумкин, – дейди Маҳмуджон Эшонқулов. – Карикатурачилик муттасил изланишда бўлишни талаб этади. Доимий ҳаракат эса яхши натижаларни тақдим этади.



Дунё таниган карикатурачи чиндан ҳам ўз ишининг устаси. Республикамиз ва хорижда ўтказилган мингдан зиёд жамоавий карикатура ва юмор кўргазмаларида иштирок этиб, 300 дан ортиқ танловларнинг ғолибига айланган. Қолаверса, Маҳмуджон ака дунё карикатурачи рассомлар иттифоқига ҳам аъзо.

Агар Маҳмуджон Эшонқуловнинг халқаро танловларда эришган ютуқлари ҳақида ёзсак, газетанинг бир саҳифаси тўлиши аниқ. Шундай бўлса-да, қаҳрамонимизнинг нуфузли танловларда эришган мукофотлари ҳақида тўхталмасак бўлмас. Сербия-Черногорияда ўтказилган карикатурачи-рассомлар халқаро танловида «Олтин Дубулға» мукофоти, Хитойда бўлиб ўтган «GOGLM» танловида олтин медаль, Болгарияда «Карикатура устаси мукофоти», Францияда «Карикатура – тинчлик учун» каби юзлаб мукофотларнинг совриндори ҳисобланади.



Рассом ўз асарлари орқали ҳаётимиздаги камчиликлар ва иллатларни фош этиб, глобал экологик муаммоларга ўз муносабатини билдириб, барчани сергакликка, муаммоларга бефарқ бўлмасликка ундайди.

– Карикатурачилик хавфли касблардан бири, мен сизга айтсам, бошимда кўп калтак синган, – дейди қаҳрамонимиз. – Лекин чизган расмларим яхшиликка хизмат қилади. Бунинг орқасида ҳеч қандай ёмонлик, хусумат йўқ.

Санъатга ошно бўлган қалбларда фақат эзгулик, яхшилик туйғулари мавж ураверади.

**Жамшид ЭРГАШЕВ**
*«ISHONCH»*

**МУАССИС:**
O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5002

2007-yil 11-yanvarda O‘zbekiston Matbuot va axborot agentligida 116-raqam bilan ro‘yxatga olingan.

«Ishonch» va «Ishonch-Доверие» gazetalari tahrir hay’ati:

Qudratilla RAFIQOV (tahrir hay’ati raisi),
Ulug‘bek JALMENOV,
Anvar ABDUMUXTOROV,
Sayfullo AHMEDOV,
Akmal SAIDOV,
Ravshan BEDILOV,
Qutlimurot SOBIROV,
Suhrob RAFIQOV,
Shoqosim SHOISLOMOV,
Hamidulla PIRIMQULOV,
Nodira G‘OYIBNAZAROVA,
Anvar QULMURODOV (Bosh muharrirning birinchi o‘rinbosari),

Mehriddin SHUKUROV (Mas’ul kotib – «Ishonch»),

Valentina MARSENYAK (Mas’ul kotib – «Ishonch-Доверие»)

Bosh muharrir
**Husan ERMATOV**

**Bo‘limlar:**
Kasaba uyushmalari hayoti – (71) 256-64-69
Huquq va xalqaro hayot – (71) 256-52-89
Milliy-ma’naviy qadriyatlar va sport – (71) 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash – (71) 256-85-43
Marketing va obuna – (71) 256-87-73

**Hududlardagi muxbirlar:**
**Qoraqalpog‘iston Respublikasi –** (+998-99) 889-98-20
**Andijon viloyati –** (+998-99) 889-90-23
**Buxoro viloyati –** (+998-90) 080-93-38
**Jizzax viloyati –** (+998-99) 889-90-34
**Namangan viloyati –** (+998-99) 889-98-02
**Navoiy viloyati –** (+998-99) 889-90-28
**Samarqand viloyati –** (+998-99) 889-90-26
**Sirdaryo viloyati –** (+998-99) 889-98-55
**Surxondaryo viloyati –** (+998-90) 379-19-70
**Toshkent viloyati –** (+998-99) 600-40-44
**Farg‘ona viloyati –** (+998-99) 889-90-24
**Xorazm viloyati –** (+998-99) 889-98-01
**Qashqadaryo viloyati –** (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»dan olingan ma’lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko‘rsatilishi shart.
**Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.**

**Navbatchi muharrir:** Z. Rixsiyev

**Musahhihlar:** D. Xudoyberganova, D. Ravshanova

**Sahifalovchi:** H. Abdujalilov

**Bosishga topshirish vaqti –** 22:00
**Topshirildi –** 22:20

**Bahosi kelishilgan narxda**

**Manzilimiz:**
100165, Toshkent shahri, Buxoro ko‘chasi, 24-uy.
**E-mail:** ishonch1991@yandex.uz

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Nashr ko‘rsatkichi: **133**

**Umumiy adadi 35 087 та**
**Shundan:**
**7431 nusxasi** «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi – Toshkent shahri, Buyuk Turon ko‘chasi, 41-uyda;
**19 182 nusxasi** «Erudit» MCHJ bosmaxonasi – Samarqand shahri, Spitamen ko‘chasi, 270-uyda;
**8474 nusxasi** «Poligraf-Press» MCHJ bosmaxonasi – Marg‘ilon shahri, Turkiston ko‘chasi, 236-«b» uyda
**chop etildi.**

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
**Buyurtma G 311**

1 2 3 4 5 6